

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик  
осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан  
2023 йил 6 ойда амалга оширилган ва йил якунига қадар  
режалаштирилган ишлар ҳақида маълумот**

**I. 2023 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМИДА БАЖАРИЛГАН ИШЛАР.**

Санэпидқўмта таркибига кирувчи ташкилотларнинг янгиланган **тузилмаси** ва **изомлари** тасдиқланди.

Республика буйича **12 млн.** нафар болаларда 13 турдаги вакциналар билан бошқарилувчи юқумли касалликларга қарши эмлаш тадбирлари миллий эмлаш календари асосида ташкил этилди. Жумладан:

Даволаш-профилактика муассасаларини эмлаш пунктларида 13 турдаги юқумли касалликларга қарши эмлаш учун вакциналарни заҳираси яратилди.

Биринчи чоракда **2 300 000 доза** ротавирус вакцина, **312 220 доза** АКДС, **390 580 доза** гепатит В, **434 320** доза БЦЖ вакцина, 906 **600 доза** пневмококк, **1 967 440 доза** ОПВ, **731 790 доза** пентавалент, **1 352400** доза ИПВ, **328 800 доза** ВПЧ одам папиллома вирусларига қарши эмлаш учун вакциналар тақсимланиб, даволаш-профилактика муассасаларини эмлаш пунктларига етказилди.

Республика буйича **407194 нафар** гўдаклар вирусли гепатит Вга қарши ВГВ вакцинаси билан, сил касаллигига қарши БЦЖ вакцинаси билан 99,2 фоизга эмланди. Полиомиелитга қарши **446636** нафар болалар ОПВ вакцинаси билан (99,1%), **451 198 нафар** болалар (98,7%) ротавирус инфекцияга қарши, **442636 нафар** (98,6%) болалар пентавалент вакцинаси билан дифтерия, кўкйўтал, қоқшол, хиб инфекцияга, пневмококк инфекцияга, **424762 нафар** болалар КПК вакцина билан қизамиқ-паротит-қизилчага қарши **98,9 фоизга** эмланди.

4 ойликдаги **446 992 нафар** (98,8%), 9 ойликда **408 820 нафар** болалар (98,7%) ИПВ вакцинаси билан полиомиелитга қарши эмланди. 6 ёшдаги **394 562** (99,2%) **нафар** болалар қизамиқ-паротит-қизилчага қарши КПК вакцинаси билан эмланди. 9 ёшдаги **289 841** нафар қиз болалар ВПЧ одам папиллома вирусларига (бачадон буйи саратонига) қарши эмланди.

Қўшни давлатлардаги эпидемик вазиятни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимизнинг Афғонистон, Тожикистон давлатлари билан чегарадош бўлган Сурхондарё вилоятида 14 ёшгача бўлган **1 млн. 750 минг** нафар болалар ўртасида полиомиелит касаллигига қарши тозалов эмлаш тадбирлари ўтказилди.

Шунингдек, республика буйича 7 ёшгача бўлган **3,5 млн.** нафар болалар ўртасида қизамиқ-қизилча касалликларига қарши эпид кўрсатма буйича оммавий эмлаш тадбирлари ўтказилди.

Амалга оширилган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг 6 ойи давомида айрим юқумли касалликлар ўтган 2022 йилнинг шу даврига нисбатан пасайиши кузатилди. Юқумли касалликлар бўйича эпидемик вазиятнинг барқарорлиги таъминланди.

Сўнги йилларда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасига алоҳида эътибор қаратилди ва бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

*Европа ва Жаҳон савдо ташкилотлари ва халқаро талаблардан келиб чиқиб, таълим, қурилиш, озиқ-овқат ва бошқа соҳалар бўйича **40 та** санитария қоида ва меъёрлари **янги таҳрирда қабул қилинди** ва **халқаро андозаларга мослаштирилди**.*

Санитария-гигиена ва эпидемиологиянинг долзарб масалалари бўйича **87 нафар** мустақил изланувчи томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, **9 та** грант лойиҳалари буғунги кунда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта Санитария-эпидемиология хизмати **илмий-амалий журналининг бир неча сони чоп этилди**. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг илмий-амалий журнали ташкил этилиб ОАК рўйхатидан ўтказилди ва ҳар чоракда бир мартаба нашр этиш йўлга қўйилди. Ҳозирда журналнинг **4 та** сонидида **260 та** мақолалар чоп этилди. Шу жумладан, маҳаллий илмий журналларда **19 та** мақола чоп этирилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда қатор долзарб мавзуларда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Халқаро **ҳамкорликни** шу жумладан, **Германиянинг Роберт Кох, Франциянинг Луи Пастер институтлари, KOICA, Роспотребнадзор, CDC** каби ташкилотлар билан Санитария-эпидемиология қўмитаси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тиббиёт институтларининг 5 курс битирувчиларини яшаш ҳудуди бўйича ишга қабул қилинди. Ўтган йили ноябрь ойининг 15 санасигача республика бўйича **473 нафар** битирувчилар ишга қабул қилинди. Бу орқали мавжуд врач лавозимлари паст кўрсаткичли бўлган ҳудудларда таъминот **75,0 фоизга** тўлдирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 4 июлдаги “Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 272-сонли қарори қабул қилиниб, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси қошида ўқув маркази ташкил этилди ва ҳозирда ўқув жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

**Миллий референс лабораторияси ва 13 та** лаборатория халқаро аккредитация мақомини олди.

Ушбу лаборатория мажмуалари томонидан ўтказилган хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича таҳлил натижалари озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти жараёнларида дунё мамлакатларида тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Осиё инфротузилмавий инвестициялар банки (ОИИБ) ўртасида жами **165,0 млн доллар**га тенг бўлган маблағларни жалб этиш ва муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан амалий ҳааркатлар олиб борилмоқда.

Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларни самарали ишлатиш мақсадида, мазкур йўналишда тажрибага эга бўлган Бирлашган миллатлар ташкилотининг Лойиҳа хизматлари бошқармасини (UNOPS) жалб этилди, керак бўлса улар билан кунбай иш ташкил қилиб, 2023-2025 йилларда республика, вилоят ва туман (шаҳар) санитария-эпидемиология тизими муассасалари, **14 та** юқумли касалликлар шифохоналарида қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари ўтказилади. Лойиҳа доирасида изчил ҳаракат олиб бориш ва бу орқали моддий-техник база билан боғлиқ муаммони тўлиқ ҳал этилади.

## **II. 2023 ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари ижросини тўлиқ таъминлаш ва аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилади.

**Биринчидан,** 2024 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш доирасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш стратегияси ва мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилади;

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 16 майдаги ПҚ–243-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таҳлил қилиш.

**Учинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 20 январдаги ПҚ-14-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таҳлил қилиш.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистон Республикасини Европа иқтисодий иттифоқи, Жаҳон савдо ташкилотларига аъзо бўлиши баробарида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида зарур бўладиган **10 та санитария қоида ва меъёрлар** халқаро **андозаларга мослаштирилади.**

**Бешинчидан,** Назорат олиб боришда **хавфни таҳлил қилиш механизмини** жорий қилишнинг **ягона электрон базаси** яратилиб, **“Электрон ҳукумат” тизимига** уланган ҳолда самарали фойдаланилади.

**Олтинчидан,** Ягона электрон базанинг яратилиши тадбиркорлик субъектлари санитария қоидалари ва нормаларига мослиги бўйича **Санитария-эпидемиологик осойишталик белгиси** берилиб, тоифаларига ажратилиши таъминланади. Натижада назорат олиб бориш хавфни таҳлил қилиш механизми бўйича **талабларга жавоб бермайдиган объектлардагина** текшириш ўтказиш тизими жорий этилади ва қолганлари текширилмайди.

**Еттинчидан,** Халқаро аккредитация мақомига эга бўладиган лабораториялар сонини **19 тага** етказилади.

Республикада бошқарилувчи юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда мамлакат қўлга киритган мавжуд элюминация сертификатларини сақлаб қолиш мақсадида, республика бўйича **12 млн.** нафар болаларда **13 турдаги** вакциналар билан бошқарилувчи юқумли касалликларга қарши эмлаш тадбирларини миллий эмлаш календарини асосида **95,0 фоиздан** юқори кўрсаткичларда ташкил этилади.

**Саккизинчидан,** Аҳоли орасида вирусли гепатитнинг “В” ва “С” турларини эрта ташхислаш ва даволаш тадбирларини амалга оширилади. **500 минг** нафар **18 ёшдан** юқори аҳоли орасида вирусли гепатитнинг “В” ва “С” турларини аниқлаш мақсадида скрининглар ўтказиш. **15 минг** нафар вирусли гепатитнинг “С” турига иммуно фермент анализ мусбат ва 26 минг нафар вирусли гепатитнинг “В” турига мусбат натижа олинган беморларга бепул полимераза занжир реакцияси усулида (ПЗР) таҳлиллар ўтказиш. **10 минг 500 нафар** гепатит “С” га ПЗР мусбат натижа берган ва даволанишга муҳтож деб топилган беморларни **100** фоиз вирусга қарши дори воситалари билан бепул тарзда таъминланади.

**Тўққизинчидан,** ОИВ инфекцияси билан яшовчи оналардан туғилган болаларга ОИВнинг вертикал йўл билан юқишини олдини олиш мақсадида, ҳомиладор аёллар **100 фоиз** ОИВ инфекциясига текширишлар билан қамраб олинади. ОИВ аниқланган ҳомиладорлар диспансер ҳисобига олинади ва уларга профилактик дори воситалари бериб борилади. ОИВ инфекцияли оналардан туғилган болалар профилактик дори воситалари билан таъминланади. ОИВ инфекцияли оналардан туғилган **600 нафар** болалар куруқ сут аралашмалари билан олти ойлик бўлгунча таъминланади.

**Ўнинчидан,** Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Осиё инфротузилмавий инвестициялар банки (ОИИБ) ўртасида жами **165,0 млн долларга** тенг бўлган маблағлар доирасида Бирлашган миллатлар ташкилотининг Лойиҳа хизматлари бошқармасини (UNOPS) билан изчил ҳаракат олиб бориш ва бу орқали моддий-техник баъза билан боғлиқ муаммони тўлиқ ҳал этилади.